

## Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 60-ҳадис

60 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «وَالَّذِي تَفْسِي بِيَدِهِ لَا تَدْخُلُوا الْجَنَّةَ حَتَّىٰ تُؤْمِنُوا، وَلَا تُؤْمِنُوا حَتَّىٰ تَحَابُّوا، أَوْلَأَ أَدْلُكْمُ عَلَىٰ شَيْءٍ إِذَا فَعَلْتُمُوهُ تَحَابِبُّهُمْ؟ أَفْشُوا السَّلَامَ بِيَمْكُمْ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Яна у кишидан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Менинг жоним Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, иймон келтирганингизча жаннатга кира олмайсизлар. Ва бир-бирларингизга муҳабbat қилмаганингизча мўмин бўлмайсизлар. Бир-бирингиз билан дўст бўладиган амалга сизларни далолат қиласми? Ораларингизда саломни жорий қилинглар», дедилар.

Ином Муслим ривоятлари.

**Шарҳ:** Ас-Салом- Аллоҳнинг гўзал исмларидан биридир. У исм қаерда зикр қилинса, ўша ерга барака тушиб, тинчлик ва осойишталик тарқалади ҳамда мусулмонлар ўртасида ўзаро муҳабbat ҳисси ортади. Расулуллоҳ с.а.в. сахобалар орасида саломни кўпайтиришга унданлар. Бу нарса ўзаро муҳабbat ва улфатга чорлайди. Расулуллоҳ с.а.в.нинг яна бир суннатлари, таниган ва танимаганлар орасида саломни ёйишdir. Исломда жорий қилинган "Ассалому алайкум" деб айтилувчи саломга бошқа саломни алиширилмайди. Чунки бу лафз жаннат аҳлининг саломидир.

### Ҳадисдан ўргангандаримиз

1. Аллоҳ йўлидаги муҳабbat соғлом иймонни юзага келтириб, жаннатга кириш учун сабаб бўлади.
2. Мусулмонлар орасида саломни кўпайтириш ўзаро муҳабbatни юзага келтиради. Баъзилар айтганидек салом бериш қадрни туширмайди.
3. Расулуллоҳ с.а.в.нинг сахобалари йўлда бирга кетаётib, дарахтни айланиб ўтишса ҳам бир-бирларига салом беришар эди.
4. Мусулмон киши таниган ва танимаганларга ҳам салом бераверади.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

